

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Imkon-Sug’urta”

акциядорлик жамияти

ягона муассисининг

2022 йил “22” июн даги

200 -сонли қарори билан

(“Ипотека-банк” АТИБ

Бошқаруви йиғилишининг

2022 йил “22” июн даги

200 -сонли баёни билан)

“Imkon-Sug’urta” АЖ

Қўзғатув кенгаши раиси

А.А. Мухитдинов

“IMKON-SUG’URTA”

акциядорлик жамияти

У С Т А В И

(янги таҳрирда)

Тошкент шаҳри - 2022 йил

МУНДАРИЖА

I.	Умумий қоидалар	3
II.	Жамиятнинг фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили ва расмий корпоратив веб-сайти	3
III.	Жамиятнинг юридик мақоми	3
IV.	Жамиятнинг филиалари, бўлимлари ва ваколатхоналари	4
V.	Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва вазифалари	5
VI.	Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	6
VII.	Жамиятнинг жавобгарлиги	9
VIII.	Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори	9
IX.	Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш	9
X.	Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш	10
XI.	Жамиятнинг акциялари, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялари	11
XII.	Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари ...	13
XIII.	Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	13
XIV.	Жамиятнинг фондлари	16
XV.	Жамият соф фойдасини ва дивидендларини тақсимлаш ҳамда зарарларининг ўрнини қоплаш тартиби	16
XVI.	Жамиятнинг бошқарув органлари	17
XVII.	Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши	18
XVIII.	Жамиятнинг Кузатув кенгаши	22
XIX.	Жамиятнинг Бошқаруви (Ижроия органи)	25
XX.	Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш	30
XXI.	Жамиятнинг Тафтиш комиссияси	30
XXII.	Жамиятнинг Ички аудит хизмати	31
XXIII.	Аудиторлик ташкилоти	32
XXIV.	Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчиси	32
XXV.	Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ва жамиятнинг битим тузишдан манфаатдорлиги	32
XXVI.	Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш	33
XXVII.	Ҳисоб ва ҳисобот ҳамда ҳужжатларни сақлаш	34
XXVIII.	Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш	34
XXIX.	Якуний қоидалар	35

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Устав “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. “Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) аввал Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 9 апрелда 709650-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясини ўзгартириш (қайта тузиш) йўли билан қайта ташкил этилган.

1.3. Жамият “Imkon-Sug’urta” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу билан бирга тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Мазкур Устав Жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ), ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА РАСМИЙ КОРПОРАТИВ ВЕБ-САЙТИ

2.1. Жамиятнинг фирма номи:

давлат (ўзбек) тилида лотин алифбосида:

тўлиқ номи – **“Imkon-Sug’urta” aksiyadorlik jamiyati;**

қисқартирилган номи – **“Imkon-Sug’urta” AJ;**

давлат (ўзбек) тилида кирилл алифбосида:

тўлиқ номи – **“Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти;**

қисқартирилган номи – **“Imkon-Sug’urta” АЖ;**

рус тилида:

тўлиқ номи – **Акционерное общество “Imkon-Sug’urta”;**

қисқартирилган номи – **АО “Imkon-Sug’urta”;**

инглиз тилида:

тўлиқ номи – **Joint-Stock Company “Imkon-Sug’urta”;**

қисқартирилган номи – **JSC “Imkon-Sug’urta”.**

2.2. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй, почта индекси: 100000.

2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@imkonsugurta.uz.

2.4. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.imkonsugurta.uz.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

3.1. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти

тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

3.2. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондида (устав капиталига) киритилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.4. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

3.5. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

3.6. Жамият ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига эга.

3.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган юмалок муҳрга эга. Оммавий ахборот воситаларида бир вақтнинг ўзида Жамият номини бошқа тилда кўрсатиш мумкин.

3.8. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.9. Жамият Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз филиаллари ва бўлимларига эга. Ушбу филиаллар ва бўлимлар Жамият томонидан тасдиқланган филиал ва бўлим низоми асосида фаолият кўрсатади. Филиал ва бўлим раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва Ишончнома асосида иш юритади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

4.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар, бўлимлар ташкил этишга ҳамда ваколатхоналар, шўъба корхоналар очишга ҳақли.

4.2. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган еридан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан бўлимнинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.3. Ваколатхона Жамиятнинг Жамият жойлашган еридан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

4.4. Жамиятнинг филиали, бўлими ва ваколатхонаси юридик шахс бўлиб ҳисобланмайди. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш юритади. Жамиятнинг филиал, бўлим ва ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулклар Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

4.5. Жамият филиал, бўлим ва ваколатхона фаолияти учун жавобгар бўлади.

4.6. Филиал, бўлим ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият Бошқарув раиси томонидан тайинланади ва Жамият Бошқарув раиси томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

4.7. Жамият қонунчиликка мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.8. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

V. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, асосий йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида умумий суғурта соҳасининг ихтиёрий ва мажбурий шакллари юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этиш ҳисобланади. Жамият фаолиятининг мақсади – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий кўрсаткичлари ўсишини таъминлашда иштирок этиш ҳамда сифатли суғурта хизматларини кўрсатиш орқали даромад топишдир.

5.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, қайта суғурта қилдирувчиларнинг (резидент ва норезидентлар) умумий суғурта қилиш тармоғида суғурта ва қайта суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, Жамият ўз фаолиятида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илм-фан ютуқларини жорий қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, суғурта бозорини юқори сифатли суғурта хизматларига бўлган мавжуд эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш, меҳнат жамоаси аъзолари ва жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий манфаатларини қондиришни ҳам амалга оширади.

5.3. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларини тузиш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

махсус ваколатли органи белгилаган тартиб ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

амалдаги қонунчиликка биноан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чоратадбирларини қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартларда молиялаштириш;

суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига (классларига) доир қоидаларни (шартларни) қонунчиликка мувофиқ белгилаш;

суғурта ходисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли

ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан сўраб олиш;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

суғурта товони (суғурта пули) тўлашни қонунчиликда ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

5.4. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

5.5. Жамият суғурталовчи сифатида ваколатли органи – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш Агентлиги томонидан берилган лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдидаги вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Жамият суғурта хизматларини сотиши, суғурта билан боғлиқ хизматларни тақдим этиши ва олиши (шу жумладан, суғурта хатарини ва зарарни баҳолаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бошқалар) мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий юридик шахслар, яқка тадбиркорлар ва жисмоний шахслар билан мулкӣ, шахсий суғурта, жавобгарликни суғурталаш бўйича суғурталаш, қайта суғурталаш шартномалари, агентлик, ҳамкорлик ва бошқа шартномалар (битимлар) тузиш;

Ўзбекистон ҳамда чет элда Жамиятнинг мақсадлари ва асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ва/ёки улар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар хил битимларни ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг иштирокчиси бўлиш ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқа тарзда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қаби унинг ташқарисида ҳам ваколатхоналар, филиаллар, бўлимларини очиш;

банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий ҳисобварағи ва валюта ҳисобварағи очиш, судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, банк кредитини олиш, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказиш ва акцептлаш, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ, ваколатланган банк орқали ўз воситаларини конвертация қилиш;

суғурта хатарини баҳолаш, миллий ва хорижий валютада суғурта операцияларини амалга ошириш, шу жумладан суғурта мукофотлари (суғурта бадаллари)ни олиш, суғурта маҳсулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта қоидалари ва шартларини, суғурта тарифларини, суғурта мукофотларини тасдиқлаш, суғурта воситачилари билан ўзаро келишган ҳолда агентлик тўловлари миқдорини белгилаш, суғурта захираларини шакллантириш, активларни инвестиция қилиш, зарарлар миқдорини аниқлаш, суғурта тўловларини амалга ошириш, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қалтисликлари ва зарар миқдорини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

суғурта хатарини қабул қилиш, хавф даражаси ёки суғурта дастурининг ўзгариши муносабати билан шартномани тузишда ва тузишдан аввал экспертизалар ўтказиш, суғурта объектларининг қийматини аниқлаш, суғурта (қайта суғурта) шартномаларида назарда тутилган суғурта ҳодисалари (суғурта белгиларига эга бўлган ҳолатлар, ҳодисалар) бўйича мустақил равишда ва/ёки учинчи шахслар иштирокида суриштирувлар ўтказиш;

Жамият ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликда белгиланган чегара доирасида кредитлар ва ссудаларни жалб қилиш, кафолатлар ва кафилликлар бериш, депозитлар бериш, инвестицияларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ва ички меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда суғурта захиралари маблағларини инвестиция инструментларига жойлаштириш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурталаш брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа иштирокчилари билан тегишли равишда шартномалар тузиш;

махсус ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини олиб бориш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

Жамият томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки суғурта шартномаларини тузиш натижасида ўз тасарруфига олган мулкни сотиш ёки ижарага бериш;

Жамиятга юклатилган вазифаларни бажаришда ва хўжалик фаолиятини юритишда зарур бўладиган товар-моддий бойликлар, ишлаб чиқариш ва техник мақсадларидаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олиш;

Жамият фаолияти билан боғлиқ шахсий маълумотларни ва фойдаланилиши

чегараланган маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, махфий маълумотлар ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш;

суғурта мавзуларида семинарлар, конференциялар, бошқа тадбирлар, шу жумладан ўқув тадбирларини ташкил қилиш ва қатнашиш;

миллий, хорижий ва халқаро суғурта иттифоқларига, бирлашмаларга, ассоциация ва касаба уюшмаларига аъзо бўлиш, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида халқаро конференциялар, семинарлар, тренинглар, инвестиция форумларида иштирок этиш;

тендер, танлов, аукцион, савдо ва конкурс-кўрикларда иштирок этиш;

ҳомийлик ва хайрия тадбирларини амалга ошириш;

хўжалик фаолиятини мустақил режалаштириш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қайта суғурта қилдириш;

суғурта копламаси миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тарғибот идоралари, судлар, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометрологик ва бошқа ташкилотлардан сўраш ва олиш;

қонунчиликда ва/ёки суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта товонидан воз кечиш, суғурта шартномаларини муддатидан олдин тўхтатиш;

Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олиш;

қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

6.2. Жамиятнинг мажбуриятлари:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонунчилик талабларига мувофиқ таъминлаш;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиш;

қонунчиликда белгиланган ахборотни махсус ваколатли органнинг талабига биноан тақдим этиш;

суғурта ходисаси юз берган тақдирда, қонунчиликда ёки суғурта (қайта суғурта) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни ва суғурта товони (суғурта тўлови) тўловларини амалга ошириш;

фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини ва суғурта қилдирувчиларни қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилиш;

суғурта захираларини қонунчиликда белгиланадиган тартибда ва шартларда шакллантириш ҳамда жойлаштириш;

ҳар йили мажбурий ташқи аудиторлик текширувидан ўтиш;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда бир йилда камида бир марта актуар ташкилотни актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиш;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда, тартибда ва

муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиш;

қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

7.2. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида коплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

7.3. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

7.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

7.5. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

VIII. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ

8.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

8.2. Жамият устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8.3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида 90 (тўқсон) фоизи акциядорларнинг (муассисларнинг) пул маблағлардан шакллантирилади.

8.4. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

8.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдори 42 000 000 000,00 (қирқ икки миллиард) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 42 000 000 000 (қирқ икки миллиард) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялардан иборат.

IX. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КЎПАЙТИРИШ

9.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

9.2. Қўшимча акциялар мазкур Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар

сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

9.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондни (устав капитални) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

9.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

9.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида руйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

9.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

9.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

9.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Х. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ (УСТАВ КАПИТАЛИНИ) КАМАЙТИРИШ

10.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

10.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

10.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

10.4. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни

кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

10.5. Жамият ўз акцияларини олиш тўғрисидаги қарорида олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгиланади.

10.6. Жамият ўз акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўлайди.

10.7. Жамият томонидан оддий акцияларини олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

10.8. Жамият тасарруфига ўтган ўз акциялари овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

10.9. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

10.10. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини коплашини талаб қилишга ҳақли.

XI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ

11.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акцияларга бўлинади.

11.2. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

11.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Жамият акциядори деб эътироф этилади.

11.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

11.5. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

11.6. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

11.7. Акциялар ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очиқ ёки ёпиқ обуна) усуллари қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

11.8. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

11.9. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1 (бир) сўм.

11.10. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

11.11. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

11.12. Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

11.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

11.14. Жамият акциялари учун тўлов пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулк ҳуқуқлар, ёхуд пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқларда амалга оширилиши мумкин, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

11.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Жамият Уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

11.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Жамият Уставига Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

11.17. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

11.18. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

11.19. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

11.20. Жамиятнинг қўшимча акциялари чиқарилган ҳолатда акциядорлар қонунчиликда белиланган тартибда Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

11.21. Эълон қилинган акциялар: Жамият устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 13 938 747 108 (ўн уч миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз) дона умумий қиймати 13 938 747 108,00 (ўн уч миллиард

тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз) сўм бўлган эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялардан иборат.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

12.1. Жамият қонунчиликка мувофиқ корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

12.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

12.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли. Агар корпоратив облигациялар суммаси Жамиятнинг ўз капитали миқдоридан ошса, Жамият ошган сумма учун таъминот бериши шарт.

12.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

12.5. Жамият томонидан Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

ХIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиши;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга

бир хил хажмда ҳуқуқлар беради.

13.3. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

13.4. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

13.5. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

13.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонунчиликда белгиланган тартибда инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

13.7. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

13.8. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

йирик битим тузиш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилганда;

Жамиятнинг Уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Жамият акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

Акциядорлар мазкур бандда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда Жамиятдан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.

13.9. Акциядорларнинг сони эллик нафардан ошмаган ҳолларда, мазкур бандда белгиланган тартибда акциядордан акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ қўлланилади.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда Жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга.

Агар Жамиятнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, Жамият унинг акциядорлари мазкур бандга мувофиқ сотаётган акцияларини сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга.

Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларни сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд Жамият орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядор сотаётган акцияларни сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш муддати акциядор томонидан сотиш нияти тўғрисида акциядорларни ёзма хабардор қилган пайтдан эътиборан 30 (ўттиз) кунни ташкил этади.

Агар акциядорлар акцияларни сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан кўрсатилган муддат давомида фойдаланмаган бўлишса, ушбу ҳуқуқ Жамиятга берилади ва сотилаётган акцияларни акциядорларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тугагандан сўнг Жамият қолган акциялар пакетини тўлиқ ёки қисман сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқи акциядорнинг номи (фамилия, исми, шарифи), жойлашган жойи (яшаш манзили) ва сотиб оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ҳолда акциядор сотаётган акцияларни сотиб олиш ҳақидаги аризани Жамият орқали акциядор-сотувчига ёзма шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади. Бундай ариза Жамиятга ушбу имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати ичида такдим қилиниши лозим. Акциядор имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга ошириши мумкин.

Акциядор томонидан ўзига тегишли акциялар имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Жамиятнинг исталган акциядори ва (ёки) Жамият бундай қоидабузарлик тўғрисида акциядор ёки Жамият билган ёхуд билиши лозим бўлган пайтдан эътироборан уч ой ичида ўзига сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни олишга бўлган ушбу имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

13.10. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

13.11. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;

Жамият фаолияти ҳақидаги конфиденциал (махфий), шу жумладан Жамият тижорат сири ҳисобланадиган маълумотларни ошқора қилмаслик;

ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини хабардор қилиш;

Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиш;

қонунчиликда белгиланган Жамият томонидан хабардор (ошқор) қилиш мажбуриятини амалга ошириш учун Жамият томонидан сўраб олинadиган

ахборотни тақдим этиш.

13.12. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

14.1. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа заҳира фондларини ташкил қилади.

14.2. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизи миқдорда заҳира фонди ташкил этилади.

14.3. Жамиятнинг заҳира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

14.4. Жамиятнинг заҳира фонди фақат қонунчиликда рухсат этилган мақсадларга ишлатилади.

14.5. Агар заҳира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

14.6. Жамият томонидан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

XV. ЖАМИЯТ СОФ ФОЙДАСИНИ ВА ДИВИДЕНДЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШ ҲАМДА ЗАРАРЛАРИНИНГ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият соф фойдани тақсимлаш масалаларида тўлиқ мустақилдир. Жамиятнинг соф фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият ихтиёрида қолади ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Жамиятнинг заҳира фондини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар орасида дивиденд шаклида тақсимланади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа мақсадларга ишлатилади.

15.2. Дивидендлар Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

15.3. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

15.4. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши лозим.

15.5. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қозғолари билан тўланиши мумкин.

15.6. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

15.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

15.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи

натижаларига кўра ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

15.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

15.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

15.11. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

15.12. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

15.13. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

15.14. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

15.15. Жамият қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

15.16. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

15.17. Жамиятнинг зарарлари захира фонди маблағлари, акциядорларнинг мақсадли бадаллари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши мумкин.

15.18. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

16.1. Жамият бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;
Бошқарув (ижроия органи).

XVII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

17.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

17.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

17.3. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин ўтказилади, аммо олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

17.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш туғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар туғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

17.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

17.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

17.7. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

Мазкур Уставнинг 17.8-бандидаги акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларга эгалик қилувчи ягона акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав 17.1-17.30-бандларининг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

17.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарувини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг Жамият акцияларини ва акцияларга айирбошладиган эмиссиявий қимматли қоғозларини олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқарини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Бошқаруви тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларини ва ваколат доирасидаги бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Бошқарувнинг аффилланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

17.9. Мазкур Уставнинг 17.8-бандига мувофиқ Акциядорлар умумий

йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

17.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга.

17.11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

17.12. Мазкур Уставнинг 17.8-банди иккинчи-тўртинчи, олтинчи, ўн тўртинчи ва ўн саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

17.13. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

17.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Жамиятнинг Уставида ёки Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

17.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

17.16. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонунчиликда ҳамда Жамият Уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

17.17. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

17.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

17.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

17.20. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига

эғалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

17.21. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

17.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эғалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

17.23. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

17.24. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

17.25. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

17.26. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

17.27. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

17.28. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай 2 (икки) нусхада

тузилади.

Баённоманинг ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

17.29. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Жамиятнинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XVIII. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

18.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

18.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

18.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйдагилар киради:

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Жамият Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

мазкур Уставнинг 17.8-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини (Бошқарув раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш нархини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг

келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиqlаниши лозим;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва Жамиятнинг “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низомни тасдиqlаш;

Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва Жамиятнинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомини тасдиqlаш;

Жамият Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиаллари, бўлимларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

18.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

18.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади.

18.6. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган

тарзда қайта сайланиши мумкин.

18.7. Жамият Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

18.8. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.

18.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

18.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

18.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

18.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзолари, Корпоратив маслаҳатчи ва Ички аудит хизмати раҳбари, шунингдек Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади ва улар мажлис кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

18.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

18.14. Овозга қўйилган масала бўйича Жамият Кузатув кенгашининг қарори, агар қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йул қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

18.15. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставнинг 18.5-бандида белгиланган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

18.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг Бошқарувига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

18.17. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин.

Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатига мувофиқ белгиланади.

18.18. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

ХІХ. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВИ (ИЖРОИЯ ОРГАНИ)

19.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Жамият Бошқаруви фаолиятига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

19.2. Жамият Бошқаруви 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлиб, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

19.3. Жамият Бошқаруви таркибига Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, шунингдек Жамиятнинг муҳим аҳамиятга эга раҳбар ёки ходимлари киритилади.

19.4. Жамият Бошқаруви акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

19.5. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари танлов асосида юқори малакали, шу жумладан хорижий мутахассислар орасидан танлаб олинади ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарори билан сайланиши (тайинланиши) мумкин.

19.6. Жамият Бошқарув раиси Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан ва Бошқарув аъзолари (Бошқарув раисидан ташқари) Жамият Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан 3 (уч) йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар) ва уларнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилади.

19.7. Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда, мазкур Уставда ҳамда уларнинг ҳар бири билан Жамият тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

19.8. Жамият Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномани Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

Жамият Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

Бошқарувнинг қолган аъзолари билан тузиладиган шартномаларни Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

19.9. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва улар билан тузиладиган шартномада белгиланади.

19.10. Жамият Бошқаруви қонунчилик, мазкур Устав ва Жамиятнинг “Бошқаруви тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

19.11. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ 3 (уч) ойда камида бир марта ўтказилади.

Жамият Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаш ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади.

Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

19.12. Жамият Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 60 (олтмиш) фоиз ва ундан ортиқ қисми катнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

19.13. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда катнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқарув раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Мазкур Уставнинг 19.16-банди ўн биринчи хатбошисида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

19.14. Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Жамият Кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

19.15. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек Ички аудит хизмати, Корпоратив маслаҳатчи ва аудиторлик ташкилотига уларнинг талабига кўра берилади.

19.16. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига кўйидагилар киради:

Жамиятнинг асосий фаолиятини такомиллаштириш, бошқаришнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Жамиятни ривожлантириш бўйича стратегик чоралар ишлаб чиқиш;

Жамият хизматларига истиқболда талабни ошишини, унинг фаолиятининг янги йўналишларини аниқлаш;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорларнинг умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамият шўъба хўжалик жамиятлари, ваколатхоналари, филиаллари ва бўлимлари учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш.

ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд

мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият Бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгашига ҳал этиш учун киритилиши мумкин);

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилига ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш;

ташқи аудиторлик ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Жамият Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати томонидан Жамиятда ўтказилаётган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар режасини бажарилиши юзасидан ишларни ташкиллаштириш;

Жамият хизматлари бўйича нарх ва тарифларни тасдиқлаш;

Жамият ҳисоботини кўриб чиқиш, шу жумладан халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тайёрланган ҳисоботлар;

Жамият ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, шунингдек Жамият томонидан топширилган мулкдан оқилона фойдаланишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриб чиқиш;

Жамиятга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни бажариш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Устав ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

19.17. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар қиради:

ўзининг ваколатлари доирасида Жамият фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш, Жамият номидан битимлар тузиш ва ҳужжатларни имзолаш;

штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

банкларда ҳисобварақлар очиш;

Жамият номидан ишончномалар бериш;

Жамият филиаллари, бўлимлари ва ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш

ва уларни лавозимдан озод этиш ҳамда улар билан Жамият номидан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

ўз ваколати доирасида Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорлар, Кузатув кенгаши аъзолари, кредиторлар ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати ва аудиторлик ташкилоти кўра тақдим этиш;

солиқ, статистика ва молиявий ҳисоботларни тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

суғурта сирини ва Жамият тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланишини таъминлаш;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамиятнинг барча ходимларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

Жамият Кузатув кенгаши мажлисларига Жамиятни ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш усулларига доир таклифларни киритиш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларига таёргарлик кўришни ва уларни ўтказишни ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Устав ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятлар.

19.18. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг Бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

19.19. Жамият Бошқарув аъзоси, шу жумладан Бошқарув раиси билан тузилган шартнома кўйидаги асосларга кўра Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

Бошқарув аъзоси томонидан берилган аризага асосан;

Бошқарув аъзоси мазкур Уставни қўпол тарзда бузган тақдирда;

Бошқарув аъзоси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар

етказилган бўлса;

Бошқарув аъзоси билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда;

Бошқарув аъзоси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

19.20. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Бошқарувининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бошқарувининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

Жамият Бошқарувининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Жамият Кузатув кенгаши Жамият Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Жамиятнинг Бошқаруви тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

19.21. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

19.22. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

19.23. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

XX. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20.1. Жамиятнинг фаолияти ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар томонидан назорат қилинади:

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси;

Жамиятнинг Ички аудит хизмати;

Аудиторлик ташкилоти;

Жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчиси.

XXI. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

21.1. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

21.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши 3 (уч) кишидан иборат Жамият Тафтиш комиссиясини 1 (бир) йил муддатга сайлайди.

21.3. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Айни бир шахс Тафтиш комиссияси аъзолигига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

21.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгиланади.

21.5. Жамият Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Жамиятнинг “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

21.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият Бошқарувида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

21.7. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

21.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

21.9. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

21.10. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Мазкур Уставнинг 21.9-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

XXII. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

22.1. Жамиятда Ички аудит хизмати ташкил этилади.

22.2. Жамият Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиб, унинг ходимларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

22.3. Жамиятнинг Ички аудит хизмати Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари, бўлимлари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини,

шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари, бўлимлари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

22.4. Ички аудит хизмати фаолияти Жамиятнинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XXIII. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

23.1. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

23.2. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

XXIV. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

24.1. Жамиятда Корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

24.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамият Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

24.3. Корпоратив маслаҳатчи, Жамият ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, Жамият фаолиятида корпоратив қонунчиликка ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

24.4. Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Жамиятнинг “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XXV. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШ ВА ЖАМИЯТНИНГ БИТИМ ТУЗИШДАН МАНФААТДОРЛИГИ

25.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, қундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

25.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан

тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

25.3. Жамият мол-мулкининг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

25.4. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

25.5. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

25.6. Қийматидан қатъий назар Жамият томонидан кафиллик ва кафолат хати бериш, Жамият эгалигидаги мол-мулкни гавровга қўйиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ битимлар тузиш ҳақидаги қарор Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

25.7. Қийматидан қатъий назар Жамият томонидан кредит олиш ҳақидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

25.8. Жамият томонидан йирик битимлар тузиш ва жамиятнинг битим тузишдан манфаатдорлиги бўйича мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

XXVI. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ

26.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда ўзининг аффилланган шахслари рўйхатини юритади ва ошкор этади.

26.2. Аффилланган шахс Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

26.3. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги маълумотлар Жамият йиллик ҳисоботининг бир қисмидир.

26.4. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот Жамиятнинг Бошқаруви ва Ички аудит хизмати томонидан ўрганилади. Жамиятнинг Бошқаруви томонидан ўрганиш ёзма билдириш олинганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади. Бошқарув раисининг қарорига кўра мазкур битимни ўрганишга қўшимча равишда Жамиятнинг бошқа ходимлари жалб

қилиниши мумкин.

26.5. Жамиятнинг Бошқаруви Жамият Кузатув кенгашини аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

26.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

26.7. Агар Жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

26.8. Жамиятнинг аффилланган шахси Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

26.9. Аффилланган шахс билан кутилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

26.10. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш бўйича мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

XXVII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ ҲАМДА ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

27.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

27.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқарувининг зиммасида бўлади.

27.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

27.4. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

27.5. Жамият қонунчиликка мувофиқ ҳужжатларни сақлайди.

XXVIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

28.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида акциядорларнинг умумий йиғилиши

қарорига кўра қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

28.2. Жамиятни тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга олиб келади.

XXIX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29.1. Мазкур Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга асосан ҳал қилинади.

29.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ улар тегишли суд орқали ҳал қилинади.

29.3. Мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

29.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қоидалари қўлланилади.

29.5. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

29.6. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Жамият Бошқарув раиси

А. Намозов